2018 йил 2 май, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 82 (13.679)

Баҳоси эркин нархда

## ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ ВА МАЗМУНЛИ БЎЛДИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон 29 апрель – 1 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.**

Ташрифнинг учинчи куни олий мартабали меҳмон Бухоро вилоятига келди.

Бухоро халқаро аэропортида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғонни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Бухоро вилоятида ушбу ташрифга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Кўчалар икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган, ранг-баранг панноларга халқларимиз дўстлиги ва қардошлигини тараннум этувчи сўзлар ёзилган.

Ўзбек ва турк халқлари тарихи асрлар давомида шундай мустаҳкам илдизлар билан боғланганки, уларни бир-биридан айро тасаввур қилиш мушкул. Турк халқи Ўзбекистон заминини муқаддас деб билади ва уни "ота юрт", деб эъзозлайди. Қардош турк халқининг диёримиз ва халқимизга бўлган чексиз меҳри ва ҳурматини англаш, ҳис қилиш учун шунинг ўзи етарли.

Ўзбекистон заминида туғилиб ўсган, жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирларни Туркияда яхши билишади ва қадрлашади. Бутун мусулмон оламида машҳур аллома, Нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ана шундай сиймолардан биридир.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон Бухоро вилоятига ташрифини Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Улуғ аллома руҳи покига Қуръон тиловат қилинди.

Олий мартабали меҳмонга тариқат асосчисининг ҳаёти, ислом дини ривожига қўшган ҳиссаси, мустақиллик йилларида мажмуада амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумот берилди.

Ўтган йили мажмуа ҳудудида Президент ташаббуси билан Мир Араб олий мадрасаси фаолият бошлади. Туркия Президентига Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли ушбу мадраса тарихи ва фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини тарғиб этиш, илм-фан ва динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар меросини чуқур ўрганиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази барпо этилмоқда.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон буюк алломаларга бешик бўлган муқаддас замин экани, халқимиз тарихи, бой маънавий меросига ғоят ҳурмат билан қарашини таъкидлади.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғон Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Бухоро шаҳридаги Арк қўрғонини томоша қилди.

Азалдан Ғарб билан Шарқни боғлаган Буюк Ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган Бухоро бой ва шонли тарихга эга. Ушбу тарих халқимизнинг ўтмишдаги турмуш тарзи, бунёдкорлиги, хорижий давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларидан гувоҳлик беради. Арк қўрғонида жойлашган вилоят ўлкашунослик музейида намойиш этилаётган минглаб экспонатлар, археологик буюмлар ҳам шу ҳақда ҳикоя қилади.

Икки давлат раҳбарлари мазкур музей фаолияти билан танишди, бу ердаги ноёб осори-атиқаларни кўздан кечирди, музей қўриқхона ҳудудидаги жомеъ масжидида бўлди.

Қўрғон марказида сақланиб қолган қабулхона – маросимхонада вилоят санъаткорлари томонидан халқлар дўстлигини тараннум этувчи миллий куй-қўшиқлар янграли.

Президентлар Арк қўрғони яқинидаги Пойи Калон мажмуасида ҳам бўлдилар.

Бухоро заминининг ҳар қаричи тарих. Қадимий обидалар аждодларимизнинг буюк яратувчилик даҳоси ва маънавий қудратидан сўзлайди. XII ва XVI асрлар оралиғида бунёд этилган Минораи Калон, Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаси ўзининг бетакрор меъморий ечими, маҳобати ва жозибаси билан ҳар қандай кишини мафтун этади.

Минораи Калон архитектуравий ечими бўйича дунёдаги кам сонли тарихий обидалардан биридир. У қарийб 900 йил давомида не-не талотўпларга гувоҳ бўлган. Халқимиз қудратининг ўлмас рамзи сифатида бугун ҳам барчани ҳайратга солаётир.

Мир Араб мадрасасида ўтганлар хотирасига Қуръон тиловат қилинди.

XVI асрда ташкил этилган Мир Араб мадрасасида фаолият юритаётган ўрта махсус ислом билим юрти ўз вақтида собиқ шўро давлати ҳудудидаги ягона ислом таълим муассасаси бўлган. Ҳозирги пайтда бу ерда ёшларимиз диний ва дунёвий билимларни, хорижий тилларни пухта ўзлаштирмоқда.

Олий мартабали меҳмон Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида зардўзлик, заргарлик, гиламдўзлик, каштачилик, кулолчилик маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Бухоронинг тарихий ва меъморий обидалари, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари туркиялик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг мамлакатимизга давлат ташрифи якунига етди.

Бухоро халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Эркин ЁДГОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

## ЎЗБЕКИСТОН – ДУНЁДАГИ НУФУЗЛИ ВА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН МАМЛАКАТ

***Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчилари Малайзияда замонавий давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, туризм каби соҳалар бўйича малака оширмоқда.***

Академия ва "Истеъдод" жамғармаси томонидан ташкил этилган ўқув машғулотларида Малайзия миллий университети профессорлари Ўзбекистон ва Малайзия давлатлари ўртасида туризм соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг асосий омиллари ҳақида маърузалар ўқишди. ЎзА мухбири улардан айримларининг Ўзбекистон ҳақидаги фикрлари билан қизиқди.

**Ҳамзаҳ ЖУСОҲ, Малайзия миллий университети қошидаги ижтимоий тараққиёт ва экологик тадқиқотлар мактаби профессори:**

– Ўзбекистон дунёдаги нуфузли ва жадал ривожланиб бораётган мамлакатлардан бири. Айниқса, мени давлатларимиз ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланиб бораётгани қувонтирмоқда. Негаки, Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари жуда катта. Табиати, тарихий-меъморий обидалари, дунё таниган ва тан олган олиму уламолари, қадимий қадамжолари, умуман, ҳар қандай киши томоша қилиб ҳузурланадиган масканлари кўп. Бу муқаддас юртдан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино сингари қомусий олимлар етишиб чиққан.

Ўзбекистон билан келгусидаги ҳамкорлигимизда асосий эътиборни туризмни янада ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш, сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш усулларини амалиётга жорий этишга қаратамиз. Чунки Малайзияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам сайёҳликни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Бу соҳани барқарор ривожлантириш мамлакатларимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Малайзияда туризм инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзига хос ёндашув бугун туризмни мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутувчи ва энг кўп даромад келтирувчи тармоққа айлантирди. Айниқса, сайёҳларнинг эътиборини экотуризм, тиббиёт туризми, зиёрат туризми, архитектура туризми каби йўналишлар тортмоқда.

Биз туристик алоқаларни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Бунда янги лойиҳаларнинг амалиётга жорий этилиши, ўйлайманки, ҳар икки мамлакат учун фойдалидир.

**Зарина ОТМАН, Малайзия миллий университети сиёсий ва хавфсиз тадқиқотлар маркази профессори:**

– Мен ўзбекистонлик тингловчиларга Малайзиянинг иқтисодий, ижтимоий ва сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш борасида маърузалар ўқиётганимдан ғоятда фахрланаман.

Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари, унинг бетакрор табиати, тарихий обидалари ҳақида тингловчилардан эшитдим. Юртингизда соҳанинг янги йўналишларини ривожлантиришга эътибор кучли. Шундай бўлса-да, ушбу соҳада янгича ёндашув талаб қилинади. Туризм ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш, йиллар давомида синовдан ўтган усулларни амалиётга татбиқ этиш мазкур соҳани изчиллик билан ривожлантиришга имкон яратади.

Машғулотларда кўпроқ Малайзия тажрибаси ҳақида тингловчиларга маълумот бераяпмиз. Бу эса келгусида Ўзбекистоннинг сайёҳлик борасидаги имкониятларидан тўлақонли фойдаланишга кўмаклашади. Ўз навбатида Ўзбекистондан ҳам ўрганишимиз керак бўлган жиҳатлар бор. Ушбу соҳадаги ҳамкорлигимиз юқори самара беришига ишонаман.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**
**ёзиб олди**

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## "ҲУКУМАТ СОАТИ": ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМЛАРИ АМАЛДА

***Жорий йилнинг 1 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ва "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ "Ҳукумат соати" ўтказилди. Таъкидлаш жоиз, мазкур амалиёт миллий парламент тарихида илк бор ташкил этилди.***

Депутатларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳволи юзасидан олиб борган ўрганишлари ҳамда одамлардан келаётган мурожаатлардан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари таклифларига кўра "Ҳукумат соати"га "Республика аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланишида ҳамда ичимлик сувини тежамкорлик билан ишлатишда олиб борилаётган ишлар", шунингдек, "Аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, айниқса, жойларда ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш ҳолатлари" тўғрисидаги масалалар киритилди.

Ушбу масалалар юзасидан депутатларга ахборот ва уларнинг саволларига атрофлича жавоб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари мутасадди раҳбарлари таклиф этилди.

Тадбир давомида ҳукумат вакиллари депутатлар томонидан қўйилган масалалар юзасидан маълумот бериб, уларнинг қўшимча саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июлда "Ҳукумат соати" институтини жорий этиш ҳақида ўз тавсияларини берган эди, – дейди эксперт Ихтиёр Беков. – Қонунчилик палатасида "Ҳукумат соати"нинг ўтказилиши Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган жамиятда парламентнинг ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалдаги ифодаси ҳисобланади. Тадбирнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, унинг самарали ўтганини таъкидлаш лозим. Мазкур институт биринчидан, ҳукуматнинг парламент билан муносабатлардаги масъулиятини оширса, иккинчидан, жойларда тўпланиб қолган, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

– Таъкидлаш жоиз, "Ҳукумат соати" Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб ўтилган давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш йўналишида ҳам муҳим аҳамиятга эга, – дейди эксперт Шоҳруҳбек Собиров. – Ушбу институт нафақат Олий Мажлиснинг ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини таъминлашда ролини оширишга, балки бўлиб ўтган бугунги тадбирдаги каби сайловчиларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлади.

Тадбир сўнгида Қонунчилик палатаси қўмиталарига ушбу соҳалардаги амалдаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш тавсия этилди, шу билан бирга мазкур йўналишдаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Андижонда бир гуруҳ нуронийлар ва меҳнат фахрийларини "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Тадбирда турли соҳаларда самарали меҳнат қилган 60 нафар кекса авлод вакилига I, II, III даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони тантанали топширилди.**

**• Наманганда "Ахборот ресурс марказларининг аҳволи, ёшларнинг китобга бўлган эҳтиёжини қондиришдаги ўрни: муаммо ва ечимлар" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда вилоятданоширлик ва матбаа фаолиятини такомиллаштириш, китоб тарғиботи билан боғлиқ кўплаб масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида вазифалар белгилаб олинди.**

**• Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан Деҳқонобод туманида ўтказилган "Миллий қадриятларимиз – беқиёс бойлигимиз" мавзусидаги фестивалда ёш бахшилар ва фаол ёшлар иштирок этди. Тадбир доирасида тумандаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабида миллий қадриятларимиз, қадимий урф-одатларимизни ифодаловчи зардўзлик, ҳунармандчилик, рассомчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.**

**• Жиззах давлат педагогика институтида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб шахмат бўйича вилоят очиқ турнири ўтказилди. Вилоят шахмат федерацияси, вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси, педагогика институти ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 50 дан ортиқ ҳаваскор шахматчи, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар ўзаро баҳслашди.**

### ЖАҲОНДА

**• Жанубий Кореянинг Инчхон аэропортида ишловчи фаррошга омад кулиб боқди. У чиқинди контейнеридан умумий қиймати 327 минг АҚШ долларини ташкил қилувчи еттита олтин бўлагини топиб олди. Ҳар бир олтин бўлаги бир килограммдан газета ичига ўралган бўлган. Полиция тахминларига кўра, олтинлар эгаси қўлга тушмаслик учун уларни ахлатхонага ташлаган.**

**• "Facebook"да браузердаги "тарихни тозалаш" тугмаси муқобили пайдо бўлади. Бу ҳақда ижтимоий тармоқ асосчиси Марк Цукерберг маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, фойдаланувчи аккаунт созламаларида қайси ҳаволаларга ўтгани ва қандай сайтларга кирганига доир маълумотларни ўчириши мумкин.**

**• Франциянинг Тулуза шаҳрида жойлашган Француз Миллий политехника институти самолётда учишдан қўрқадиган одамлар учун махсус қурилма яратди. Парвозлардан қўрқадиган кишилар учун яратилган қурилма ташқи кўринишидан микрофонли наушникларни эслатади.**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz


# ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИДЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ЕТАРЛИ

***Интерпол (Жиноят қидирув полицияси халқаро ташкилоти)га бугунги кунда 192 давлат аъзо бўлиб, у кўлами кенглиги жиҳатидан БМТдан кейин иккинчи ўринни эгаллаган йирик халқаро ташкилотдир. Ўзбекистон Интерполга 1994 йилда аъзо бўлган.***

Интерполнинг Ўзбекистондаги Миллий марказий бюроси томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? ЎзА мухбири бу ҳақда **бюро бошлиғи Рустам ИСРОИЛОВ** билан суҳбатлашди.

**– Рустам Илҳомович, Интерполнинг миллий тузилмаси ташкил этилган вақт билан ҳозирги кун қанчалик фарқ қилади?**

– Интерполнинг асосий мақсади умумий жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш ва ана шундай миллий органлар фаолиятини мувофиқлаштиришдир. Мазкур тузилма фақат сиёсий, ҳарбий, диний, ирқий тусдаги фаолиятга дахл қилмайди.

Салкам чорак аср вақт оралиғида жуда кўп нарсалар ўзгарди. Жиноятчилик турлари кўпайиши ва кўлами кенгайиши билан бир қаторда миграция оқими мисли кўрилмаган даражада кучайди.

Тўғри, олдин ҳам мураккаб вазиятлар бўлган. Масалан, 1999 йилда Тошкентда содир бўлган портлашлар бевосита халқаро терроризм билан боғлиқ бўлган. Ушбу жиноятларни содир этган шахсларни қидириш, уларни топиб, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига топширишда халқаро ҳамкорликка асосланган тузилмамиз самарали иш олиб борди. Натижада жиноятни содир этиб, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатларга қочиб кетган шахслар Интерпол бош қароргоҳи (мазкур қароргоҳ Лион шаҳри (Франция)да жойлашган) бевосита кўмагида ушланган ва юртимизга келтирилган. Халқимизнинг тинч ҳаётига тажовуз қилган шахслар суд ҳукми билан жавобгарликка тортилган.

Айни пайтда глобал муаммолардан саналган одам савдоси жинояти тез-тез учраб турибди. Асосан аёлларни алдаб, қулликка, турли тубан ишларга маҳкум этаётган жиноий гуруҳлар илдизига болта уриш долзарб бўлиб турибди. Бу борада Индонезия давлатида узоқ вақт яшаб, ўрнашиб, кейин катта жиноий уюшмага асос солган, аёлларни турли йўллар билан олиб кетиб, фоҳишаликка мажбур этган самарқандлик шахс аниқланди. Уни Интерпол имконияти бўйича қидириб топиб, қўлга олиш ва мамлакатга қайтариш чораси кўрилди.

**– Тошкентда одам савдоси бўйича ўтказилаётган халқаро тадбирда қандай масалалар кўриб чиқилади?**

– Интерполнинг ташаббуси ва кўмаги асосида пойтахтимизда ташкил этилган семинарда дунёнинг 14 давлатидан вакиллар иштирок этмоқда. Шу жумладан, унда Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари масъул ходимлари, одам савдосига қарши курашиш билан шуғулланувчи ташкилотлар ходимлари ҳам қатнашмоқда.

Семинарда одам савдоси жиноятининг бугунги ҳолати, унинг турлари, кўлами ва унга қарши курашиш бўйича янги услублар, имкониятлар, барча-барчаси ҳақида фикр алмашилади. Бу борада ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинади. Бу жиноятни содир этиб, қочиб юрган шахсларни қидириб топиш, уларни ўз мамлакатига қайтариш, суд ҳукмига ҳавола этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинади.

**– Интерполнинг Ўзбекистондаги Миллий марказий бюроси ва Туркия Миллий марказий бюроси ҳамкорлиги мустаҳкамланаётгани қандай самара бермоқда?**

– Мамнуният билан қайд этиш керакки, Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ўзаро муносабатларида ўзига хос янги босқич бошланди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга 2017 йил октябрдаги давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ривожига катта туртки берди. Барча соҳалардаги ўзаро муносабатлар ривожланди. Президентимизнинг таклифига биноан, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Мазкур ташриф доирасида бошқа соҳалар қатори ҳуқуқ-тартиботга оид ўзаро ҳамкорликка асосланган тезкор қидирув ва кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ИИВ академияси ва Туркия миллий полицияси академияси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Айтиб ўтиш ўринлики, ўзаро ҳамкорлигимиз доирасида шу йилнинг февраль ойида Интерполнинг Анқарадаги Миллий марказий бюроси бошлиғи Лутфи Чичек бошчилигидаги Туркия делегацияси мамлакатимизга ташриф буюргани муҳим аҳамият касб этди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Туркия ҳуқуқ-тартибот органларининг биргаликдаги ҳаракатини кучайтириш, ҳамкорликни янада юқори даражага кўтариш бўйича музокара олиб борилди.

Жанговар ҳаракатлар давом этаётган Сурия ва Ироқ давлатларида террорчилик гуруҳлари томонида туриб жанг қилган ва жанг қилиб келаётганларнинг шахсини аниқлаш, давлат чегарасини кесиб ўтмасларидан аввал уларга нисбатан халқаро қидирув эълон қилиб, қўлга олиш жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва Интерпол ходимлари зиммасига юклатилган муҳим вазифадир.

Албатта, муваффақиятли махсус операциялар жараёнида жангариларнинг кўп қисми йўқ қилинди, айримлари қўлга олинди. Бироқ ҳали-ҳануз дунёнинг турли давлатларида яшириниб, янги экстремистик ҳужумларга тайёрланиб, озодликда юрганлари ҳам бор. Шунинг учун уларни излаб топиб, қўлга олишда бор куч ва имкониятни бирлаштириш, доимий равишда ўзаро ахборот алмашиш, аксилтеррор йўналишда ҳамкорликдаги тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш лозим.

Шу йилнинг май ойида Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг Туркияга ташрифи режалаштирилган. Бу ташриф давомида ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар доирасида янги имкониятларни ишга солиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

**– Юқорида миграция кучайганини қайд этиб ўтдингиз. Бу хавфсизликка таҳдид солиши мумкинми?**

– Дарҳақиқат, кейинги йилларда миграция оқими кескин ўсди. Бу нафақат фуқароларимизнинг хорижий давлатларга чиқиши, балки хорижликларнинг юртимизга келишида ҳам намоён бўлмоқда. Кейинги пайтда ўртача 5-6 миллион киши чегарани кесиб ўтди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиманки, халқаро жиноятчилик ва жиноят содир этганларни қидириш билан боғлиқ фаолият бир неча баробарга ўсди.

Бу хавфсизликни кучайтиришни ҳам тақозо қилади, албатта. Шу мақсадда Президентимиз топшириғи асосида мамлакатимизда "Хавфсиз туризм" лойиҳаси амалиётга жорий этилди. Бу тизим орқали юртимизга келган сайёҳлар ва меҳмонларнинг хавфсизлигини таъминлаш, улар учун замонавий шароитлар яратишга оид чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда Россия, Жанубий Корея, Малайзия, Туркия каби ҳамда қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган. Ўзаро тезкор ахборот алмашинуви натижасида жиноятчиликка оид зарур ахборотлар ҳам мавжуд. Бу жараёнда Интерполнинг махсус ахборот алмашиш тармоғидан фойдаланилмоқда. Бу узлуксиз ишлайдиган ёпиқ тармоқ бўлиб, унинг базасига четдан ҳеч ким кира олмайди.

Бу имконият хавф туғдириши мумкин бўлган шахсларни чегаралар орқали киритмаслик ёки жиноят содир этиб қочиб юрганларни ушлашда қўл келади. Умуман айтганда, хавфсизликка таҳдидлар бор, бироқ унинг олдини олиш, унга вақтида барҳам бериш учун куч ва имконият етарли.

**Норгул АБДУРАИМОВА**
**суҳбатлашди**

# ИННОВАЦИЯ ВА ИСТИҚБОЛ

***Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида "Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар" мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.***

Унда профессор-ўқитувчилар, хорижий мутахассислар, жумладан, Италия, Мальта, Россия, Хитой, Руминия, Норвегия, Жанубий Корея, Қозоғистон, Тожикистондан келган олимлар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилаётган алоҳида эътибор келажак ворисларини соғлом ва интеллектуал салоҳиятли этиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизимида тадрижий ислоҳотлар давом этмоқда.

Тадбирда олий педагогик таълимда инновацион жараёнлар, ҳозирги даврда таълимни ривожлантиришнинг долзарб педагогик-психологик муаммолари, узлуксиз таълим тизимида ўқитишнинг инновацион методлари, мактабгача таълим: ислоҳотлар ва истиқболлар, Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ислоҳ қилишнинг назарий ва амалий муаммолари, имконияти чекланган болаларга таълим беришнинг долзарб муаммолари, олий таълимдан кейинги таълимни ривожлантириш, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш каби масалалар муҳокама марказида бўлди.

Махсус тўпламга киритилган конференция иштирокчиларининг маърузалари таҳлил қилинди.

Тадбир доирасида республикамиз ёш олимларининг илмий изланишлари натижалари юзасидан кўргазмалар ташкил этилиб, янги нашр этилган китоблар тақдимотлари ўтказилди.

**М.ҚОСИМОВА**

# ОЗИҚ-ОВҚАТ СИФАТИ – ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ГАРОВИ

***Кунлар исиши билан аҳоли орасида чанқовбосди ичимликлар, озиқ-овқатларга бўлган талаб ортади. Бундай вақтда маҳсулотнинг сифат даражаси биринчи ўринда бўлиши лозим. Инсон саломатлиги учун кафолатланган маҳсулот истеъмол қилганга не етсин?***

Миллий матбуот марказида "Ўзстандарт" агентлигининг Республика синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси томонидан мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган анжуман ташкил этилди.

"Ўзстандарт" агентлигининг Республика синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси директори ўринбосари Ф.Саматов ўз чиқишида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланганини таъкидлади.

АҚШнинг изланишлар маркази ўтказган тадқиқотларга кўра, дунёда Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлиги рейтингида 64-ўринни эгаллади. Бир йил олдин, ушбу рўйхатда Ўзбекистон 75-ўринда эди. Юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича самарали ишлар олиб борилаётгани боис, мамлакатимиз йилдан йилга дунё рейтингида юқорилаб бормоқда.

Давра суҳбатида Республика синов ва сертификатлаштириш марказининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, лабораторияларни янги ускуналар билан жиҳозлаш ҳақида сўз борди. Ўтган вақт давомида марказнинг кимё-биология лабораторияси озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини синаш ҳамда уларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлашга ихтисослаштирилди. Лабораториянинг аккредитация доираси, маҳсулотларни синаш бўйича 770 та синов услубларига кенгайтирилди. 2017 йилнинг ўзида кимё-биология лабораториясини модернизация қилиш учун 240 минг АҚШ доллари сарфланиб, 10 дона замонавий ускуналар харид қилинди. 2018 йилнинг биринчи чорагида Кореянинг KOICA дастури орқали грант маблағлари ҳисобига замонавий синов ускуналари ўзлаштирилиб, улар ёрдамида озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хавфсизлик кўрсаткичларини аниқлаш имконияти яратилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида озиқ-овқат маҳсулотларига 187 дона мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди. Шу вақт ичида 1 миллиард 875 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари яроқсиз, деб топилди. Марказ мутахассислари томонидан жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларга асосан, савдо дўконларида сотилаётган маҳсулотларнинг сифатини аниқлаш бўйича назорат харидлари ҳам ўтказилиб, тегишли хулосалар берилмоқда. 2017 йил октябрь ойида Тошкент шаҳри савдо дўконларидан харид қилинган ва текширилган 6 турдаги сут маҳсулотларининг 56, колбаса маҳсулотларининг 18 намунасида камчиликлар аниқланиб, уларнинг бартараф этилиши назоратга олинди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**З.ШАРИФЖОНОВ**

# МАРКАЗ ФАОЛИЯТИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

***Пойтахтимиздаги "Юқори технологиялар ўқув-тажриба маркази" давлат корхонаси 2011 йилда ташкил этилган. Бироқ кейинги пайтда марказни молиялаштиришда муаммолар пайдо бўлаётган эди.***

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 19 апрелдаги фармонига асосан, ушбу давлат корхонаси Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тасарруфига ўтказилиб, у Илғор технологиялар марказига айлантирилди.

Шу муносабат билан марказда учрашув ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Абдураҳмонов иштирок этиб, марказ ишини фармонда белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ йўлга қўйиш, илмий-тадқиқот ишларини самарали шакллантириш, уларнинг замонавий илм-фан талаблари ва жаҳон ютуқлари даражасида бўлишига эришиш чора-тадбирларига алоҳида тўхталди.

Замонавий техник базага эга марказ энди давлат бюджетидан молиялаштирилади. Бу нафақат илм-фан равнақида муҳим омил, балки кадрлар изланувчанлиги ва фаоллигини ошириш, ёшларнинг янгидан-янги лойиҳалар устида тадқиқотлар олиб боришида мустаҳкам моддий асосдир.

Марказ директори Шаҳло Турдиқулованинг таъкидлашича, Президентимизнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида илм-фанга қаратаётган эътибори туфайли бугун муассаса фаолиятида янги босқич бошланди. Истиқболли ғоялар ва инновацион ишланмаларни шакллантиришга кўмак бериш, ускуналар ва инфратузилмадан фойдаланиш асносида юқори технологияли ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда инновацион фикрловчи ёшларни тарбиялаш, уларнинг табиий фанларга бўлган қизиқишини уйғотиш орқали юқори натижаларга эришиш марказнинг асосий мақсадларидан биридир.

Учрашувда марказнинг ёш олимлари хориждаги энг яхши олий ўқув юртларида малака оширишi, таклиф этилган чет эллик мутахассисларнинг тавсияларини олиш, тадбиркорлик малакаларини ривожлантириш каби масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

# ЭКСПОРТЧИЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

***Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси томонидан "Highway Logistics Center" масъулияти чекланган жамияти замонавий транспорт логистика марказининг божхона терминалида тадбиркорлик субъектлари, хусусан экспорт ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари учун учрашув ташкил этилди.***



Экспорт йўналишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, жорий йил учун белгиланган экспорт прогноз кўрсаткичлари ижросини таъминлаш, бунда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитларни яратиш, улар томонидан билдирилган муаммо ва таклифларни ўз вақтида ўрганиб чиқиб, бартараф этиш мақсадида ўтказилган учрашувда божхона, сертификатлаштириш органлари ва экспорт-импорт операциялари, асосан маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти ва экспорт қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, экспортчи корхоналар ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштириш бўйича муҳим ислоҳотлар амалга оширилиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни экспорт қилиш учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Айтиш жоизки, юртимизда ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш, маҳсулот тури ва рақобатбардошлилигини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, миллий маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш яхши натижа бераяпти.

Мамлакатимизда экспорт салоҳиятини ошириш ва соҳада мониторинг ишларини самарали ташкил қилиш, шунингдек, пировардида импортни қисқартириш, экспортчи корхоналар ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида жойларда мазкур масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида экспорт салоҳияти ва самарадорлигини ошириш, импорт ҳажмини камайтириш бўйича мутасадди идоралар томонидан бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси таъминланаётганини таъкидлаш жоиз.

Пойтахтимизда 2018 йил бошидан 20 март даврига қадар товарлар экспорти 38,8 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Таҳлилларга кўра бу кўрсаткич жорий йилнинг 1-чорагида жами 40,0 млн. АҚШ долларидан зиёдни ташкил этиши кутилмоқда.

Тадбир давомида пойтахтимизда рўйхатдан ўтган экспортчи корхоналарнинг божхона расмийлаштируви билан мавжуд муаммолари ишчи тартибда ўрганилиб, амалий ечими таъминланди.

Ўрганиш жараёнида "Экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида, уларда мавжуд муаммо ва таклифларга аниқлик киритиш ва амалий ёрдам кўрсатиш бўйича маълумотлар варағи" шакллантирилди.

Унда корхонанинг умумий маълумоти, ишлаб чиқариладиган маҳсулот, шундан экспортга ва ички бозорга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, ишлаб чиқариш учун импорт қилинадиган хом-ашё, мавжуд муаммо, билдирилган таклифлар ва улар амалга оширилганида эришиладиган экспорт кўрсаткичлари истиқболлари тўғрисидаги маълумотлар ўрин олди.

Бевосита мулоқот тарзида ўтган тадбир жорий йилдан фаолиятини бошлаган замонавий логистика божхона комплексида "Арк-булоқ" ТИФ божхона постида бежизга ўтказилмаганлигига тўхталиб ўтилди. Хусусан мазкур постда автотранспорт воситаларида экспортга юборилаётган барча турдаги маҳсулотларни тез фурсатда расмийлаштириш тизими яратилган. Шунингдек, мазкур божхона пости орқали экспорт қилиш учун олиб ўтилаётган товарлар замонавий рентген аппарати орқали тез ва қулай божхона кўригидан ўтказилиб, қисқа фурсатда божхона расмийлаштируви ишлари амалга оширилади ҳамда экспортга йўналтирилади. Бир сутка мобайнида божхона пости орқали ўртача 50 та автотранспорт воситалари божхона назоратидан ўтказилиб, экспортга йўналтириш имконияти йўлга қўйилган.

Йиғилишда экспортчи ташкилотларнинг хом-ашё товарларига божхона тўловларидан имтиёзлар жорий қилиш, сертификатлаш муддатларини қисқартириш, божхона расмийлаштирувини янада соддалаштириш, коммунал тўловлар, банк кредит фоизларини пасайтириш каби таклифлар билдирилди.

Тадбирда билдирилган фикр, таклиф ҳамда мулоҳазалар инобатга олиниб, улар томонидан экспорт ҳажмини камида икки баробарга ошириш ҳамда келгусида корхоналарни экспорт билан шуғулланишини рағбатлантиришга қаратилган таклифлар юқори мутасадди ташкилотларга киритилиши белгиланди.

Мазкур тадбирлар ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш, тадбиркорлар манфаатларини таъминлаш омилларига қаратилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу эса коррупцияни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан тўлиқ бартараф этишга хизмат қилади.

Қизғин савол-жавоблар, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган тадбирда янги ислоҳотлар, лойиҳалар ва яратилаётган қулайликлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотгани таъкидланди.

Тадбирда тадбиркорлар ўз фаолиятида учраётган муаммоли масалалар ва таклифларни эркин баён қилишди ва тегишли жавоблар олишди.

**Зарина РУСТАМОВА**

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ХОТИРА МУҚАДДАС

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Давлат музейида “Инсон қадри улуғ, хотира муқаддас” шиори остида маънавий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбир ўтказилди.***

Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент Бирлашган техника мактаби унитар корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Давлат музейи билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир кексаларни эъзозлаш, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номуси, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда букилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиш мақсадида ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Давлат музейи илмий ходимлари, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Марказий алоқа тармоғи ҳарбий хизматчилари, вазирлик фахрийлар кенгаши аъзолари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, бир гуруҳ фахрий истеъфодаги ҳарбий зобитлар, ҳарбий қисм аскарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тошкент Бирлашган техника мактаби бошлиғи А.Жумаев сўзга чиқиб, мамлакатимизда 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш, улар кўрсатган матонат, мардлик ва жасоратни кенг аҳолига, айниқса, ёшлар ўртасида тушунтириш, тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича маданий-маърифий ва ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказилишини ташкил қилиш муҳимлигини таъкидлаб ўтди.

Сўзга чиққан Мудофаа вазирлиги фахрийлар кенгаши аъзолари – истеъфодаги авиация полковниги А.Харламов, истеъфодаги қуруқлик қўшинлари полковниги В.Комиссаров, истеъфодаги полковник А.Намозов, истеъфодаги полковник И.Дехханбаевлар Ватан ҳимояси, озодлик ва мустақиллик йўлида жон фидо қилган юртдошларимиз ҳақида эҳтиром билан сўзлаб, уларнинг мардлиги ва жасоратлари олдида таъзим ила бир дақиқа сукут сақланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар намунали ҳарбий оркестри ҳамда Марказий ашула ва рақс ансамбли жамоалари томонидан ижро этилган куй ва мусиқа садолари янгради, Тошкент Бирлашган техника мактаби ёшлари томонидан шеърлар, монологлар ўқилди, жанговар ҳарбий машқлар намойиш этилди.

Тадбир давомида “Аскар қасамёди” ҳайкали пойига гуллар қўйилди, иштирокчилар ва меҳмонлар музей кўргазмалар залига таклиф этилиб, уруш фахрийларига гуллар ва эсдалик совғалари топширилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**



# ЖАСОРАТ ВА МАРДЛИК ТИМСОЛИ

***Мамлакатимиз бўйлаб Иккинчи жаҳон уруши, фронт орти меҳнат фахрийлари, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар кўрсатган жасорат ва мардлик аҳамиятини ёшлар ўртасида тушунтириш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилмоқда.***

Шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 333-мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтди. “Инсон қадри улуғ, хотираси муқаддас” шиори остида ташкил этилган “Уч авлод учрашуви”га Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари, соҳада узоқ йиллар фаолият юритган ҳарбийлар, ўқувчилар таклиф этилди.

Мазкур учрашув Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида уюштирилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари тинч-осойишта ҳаётнинг қадри, фаровон турмушнинг ҳикмати, фидойилик каби инсонийлик фазилатлари хусусида ёшларга сўзлаб берди.

– Аждодларимизнинг фидойилиги навқирон авлод учун ўзига хос ибрат мактабидир, – дейди Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бошлиғи ўринбосари Баҳодир Абдулаҳатов. – Энг асосийси, мамлакатимизда тинчлик ҳамда осойишталик баробарида инсон хотираси ва қадрининг шундай юксак даражада улуғланаётгани фарзандларимиз учун тенгсиз сабоқдир. Бу каби тадбирлар ёш авлодни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, меҳр-оқибат руҳида тарбиялаш, хайру саховат каби фазилатларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

**(ЎзА)**

# КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

***Маълумки “коррупция” тушунчаси лотин тилидаги “corruptio” сўзидан олинган бўлиб, мазмуни “бузиш, сотиб олиш” маъносини беради ва унинг грамматик бир илдизли маъноси яна “коррозия” сўзи яъни “чириш” ёки “занглаш” деган мазмунни ҳам беради. Шундан келиб чиқиб бу сўзнинг ижтимоий кўриниши “ҳокимиятни бузиш, чиритиш орқали сотиб олиш” деган маънони беради.***

Коррупция нима? Бу ҳақда ҳамманинг ўзига хос тасаввури, тушунчаси бор, албатта. Қонунда унга шундай таъриф берилган: “коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2, 15, 30, 44 ва 58-моддаларида коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар белгиланган. Масалан, Конституциянинг 2-моддасида ...мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги; 15-моддасида давлат, унинг органлари, мансабдор шахсларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриши; 44-моддасида шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланганлиги ва ҳоказо белгилаб қўйилган.

Коррупция билан боғлиқ қилмишларга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари кўпроқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида ўз ифодасини топган.

Ҳар бир қонун яхшиликни кўзлаб, эзгу мақсадда қабул қилинади. Айрим қонунлар ўз мазмун-моҳиятига кўра давлат ва жамият тақдири, халқ келажаги, ҳар биримизга дахлдор бўлади. Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган, 2017 йил 3 январь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ана шундай тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлардан биридир.

Ушбу қонун 6 боб ва 34 моддадан иборат. Ушбу қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар ва меъёрлар белгиланган.

Қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги каби масалалар аниқ белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун билан яқиндан танишиш, унинг ҳар бир моддасини чуқур ўрганиб, ҳаётимизга татбиқ этишга интилиш, содда қилиб айтганда, коррупция балосининг нақадар мудҳиш иллат эканини тушуниш, мустақил идрок этиш, энг муҳими, унга қарши курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Коррупцияга алоқадор одам қонунни бузишидан ташқари, ўзининг кимлигини, эътиқоди, маънавияти қай даражада эканини ошкор қилади. Бундай одам нафақат молиявий зиён-заҳмат етказади, балки давлатни, демократияни беҳурмат қилиб, обрўсини тўкади, унга нон-туз бериб катта қилган, илму ҳунар, обрў ва мансаб берган эл-юртнинг юзига оёқ қўяди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва принципларини белгилашда бундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш масаласи қатъий ҳисобга олинган.

Коррупцияга аралашган, бу жирканч иллатга қўл урган одам учун улуғ нарсалар, мўътабар туйғуларнинг қадри йўқолади. Бундай одамлар ҳаётда ҳамма нарсани сотиб олиш ва сотиш мумкин, деб ўйлайди. Улар ҳеч кимга, имон-эътиқодга ишонмайди, айни пайтда бундай кимсаларга ҳаёт учун азиз саналадиган ҳеч нарсани инониб бўлмайди. Чунки, улар ота-онаси, қариндош-уруғлари, ёру биродарлари, маҳалла-кўйнинг юзини ерга қаратишдан, бошини эгишдан уялмайди.

Қонунга кўра, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи, бу жараёнда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилиши белгиланган. Ушбу комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланиши қайд этилган. Бу меъёр коррупцияга қарши курашнинг доимий ва изчил тус олишида муҳим аҳамиятга эга. Конституциямизга мувофиқ Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир.

Ҳаммамиз яхши биламиз, қонунлар ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларни, амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаб беради. Агар қонун ҳаётда ишламаса, унинг бир неча варақ оддий қоғоздан фарқи қолмайди. Шундай экан, “коррупция ҳақида қонун қабул қилинди, энди ҳаммаси изига тушиб кетади”, деб ўйлаш, хотиржамликка берилиш катта хато бўлади. Коррупция балосидан қутулиш, ислоҳотларни унинг чангалидан озод этиш ҳақида ҳаммамиз ўйлашимиз, бунинг заруратини ҳар биримиз юрагимиздан ўтказишимиз, унга қарши қатъий курашишимиз керак.

Қонунда белгиланганидек, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади. Тўғри ишлаб, тўғри яшаш саодатини болаликдан, ёшликдан ўрганган одам мард ва ҳалол бўлади. Адолатсизлик, қонунга ҳурматсизлик, касбу амалга, ишончга хиёнат қилиб бўлмаслигини ўқиб-уққан, порахўрлик ва коррупцияга, суиистеъмолчиликка қарши ўзида иммунитет ҳосил қилган ёшлар келажакда журъатли, виждонли инсон бўлиб етишади. Қонунга, тартиб-қоидаларга ҳурмат сақлаб, эл-юртга садоқат билан хизмат қилади. Ҳалол меҳнат билан топилмаган бойлик тотли бўлмаслигини, ҳеч кимга буюрмаслигини, яхшилик эмас, ёмонлик ва кулфат келтиришини тушунади.

Бир ёш кадр масъулиятли вазифага келса, амалга эга бўлса, бундан ота-она, қариндош-уруғ қанчалик қувонади?.. Бу табиий ва эзгу туйғу, албатта. Лекин баъзи нотўғри, зарарли иллатлар, билиб-билмай, тушуниб-тушунмай йўл қўйиб бериладиган одатлар ҳам борки, уларни асло эсдан чиқармаслигимиз керак. Гоҳида шундай бўладики, яқинлар, оға-иниларнинг “ўғлим ёки оғайни, мана, ишлаяпсанку, опангни узатилаётган қизига дурустроқ совға бергин, амакингнинг етмай турган машина пулига ёрдам қилиб юборгин, қийналиб юрибди...” қабилидаги истак ва хоҳишлар ёш кадрларни бузади, бошини айлантириб қўяди. Яқинларига ҳурмат юзасидан бечора ўзини ўққа-чўққа уришга, ноқонуний иш қилишга, осон пул топишга ҳаракат қилади. Истаб-истамай, боши берк кўчага кириб қолади, коррупция тузоғига илинади.

Қариндош-уруғчилик, таниш-билишчиликдан давлат ва жамият манфаатларига зиён етмаслиги, қонунларга, инсоннинг қадр-қимматига рахна солинмаслиги керак. Қандайдир манфаат ортидан боғланган ришта, дўстлик, ака-укачилик узоққа чўзилмайди, ҳеч кимга ҳурмат олиб бермайди. Бунга ҳаётдан кўплаб мисоллар топиш мумкин.

Коррупцияга қарши курашишда, давлат ҳокимияти органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашда, фуқароларга тезкор ва холис ахборот етказишда оммавий ахборот воситаларига эркинлик бериш, демократик ислоҳотлар жараёнида уларнинг нуфузи ва мавқеини ошириш долзарб масала ҳисобланади. Шунинг учун коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиши, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни ҳимоя қилиш масалалари қонунда алоҳида белгилаб қўйилган.

Оммавий ахборот воситаларининг эркин ва дадил фаолиятисиз жамият ҳаётини демократлаштириш, одамларни мустақил фикрлаб яшашга ундаш, ҳозирги кунда сув ва ҳаводек зарур бўлган жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйиш мумкин эмас. Бутун дунёда давлатнинг демократияни ҳурмат қилишига, халқнинг салоҳияти ва маданиятига матбуот эркинлиги, одиллигига қараб ҳам баҳо берилади. Албатта, бугун бу ҳақиқатни кўпчилигимиз яхши тушунамиз ва тан оламиз.

Дунёда кун сайин, соат сайин ўзгаришлар кузатилаяпти. Давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликнинг тезкор, янгидан-янги уфқлари очиляпти, миллий иқтисодиётлар ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда юксалмоқда, тараққий этмоқда. Бугун ҳар қандай давлат бошқа давлатлар билан изчил ҳамкорлик қилмасдан, оқилона инвестиция ва ресурсларга таянмасдан, жаҳонга чиқмасдан, айни пайтда дунёга эшикларини кенг очмасдан, одамлар бемалол ишлайдиган ишончли маконга айланмасдан юқори натижаларга эришолмайди.

Эркин фаолият юритишга кенг йўл очиб берилган, инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари қатъий ҳимоя қилинадиган мамлакатнинг остонасидан одам аримайди, бундай давлат дунёнинг турли нуқталаридан ишбилармонлар талпинадиган юртга айланади.

Сўнгги вақтларда жамиятимиз ҳаёти, мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларини янада жадал ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонунлар, Президент Қарор ва Фармонлари ана шу эзгу мақсадга қаратилганини англаш қийин эмас. Туризмни ривожлантириш, дунёнинг кўплаб давлатларидан юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар учун виза режимини бекор қилиш ёки суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш ёхуд тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, турли бюрократик тўсиқ ва ғовларни йўқ қилиш ҳақидаги ҳамда бошқа бир қанча Қарор ва Фармонлар одамларнинг йўлини очишга, Ўзбекистонимизнинг жозибасини оширишга хизмат қилмоқда.

**Зафар БОБОНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Олмазор туман судининг раиси**

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

***“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди жисмонан бақувват, маънан етук фарзандларни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан бир қатор тадбирларни ўтказмоқда.***

Фонд халқаро ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бемор ва алоҳида эҳтиёжли болаларни соғломлаштириш борасида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти, Корея Республикасининг Ча университети, Инҳа университети госпиталларида туғма юрак нуқсони, терининг куйиш асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа дард билан оғриган ўзбекистонлик бемор болалар бепул соғломлаштирилмоқда.

Фонд узоқ йиллардан бери Корея Республикасининг бир қатор халқаро ташкилотлари ва университетлари билан ҳамкорликда кенг кўламда фаолият олиб бормоқда. Фонднинг “Junior Chamber International – JCI” халқаро ёшлар ташкилоти билан 2010-2017 йиллардаги ҳамкорлиги давомида Ча университети қошидаги Пундан Ча ва “Сежонг” госпиталларида хайрия йўли билан жами 40 нафар ўзбекистонлик бола жарроҳлик амалиёти натижасида соғломлаштирилди.

Жанубий кореялик мутахассис ва врачлар жорий йилнинг 27-30 апрель кунлари юртимизда бўлиб, туғма юрак нуқсони бор бемор болаларни умумий чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида бўлиб ўтган тиббий кўрик давомида Сурхондарё, Сирдарё, Наманган, Тошкент вилоятлари ва пойтахтимизнинг ўғил-қизлари иштирок этди. Ушбу тиббий кўрик натижаларига кўра, мукаммал даволаниш зарурати бўлган бемор болалар Корея Республикаси нуфузли клиникаларида соғломлаштирилади.

**Н.УСМОНОВА**

# ҲАР ИШДА КАМАРБАСТА

***Жамиятимизда нуронийларнинг ўрни ва роли беқиёсдир. Кексаларимизнинг бой ҳаётий тажрибалари оилалар ва маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, қўйингчи, барча соҳада асқотмоқда. Маҳаллаларда ташкил этилган жамоатчилик кенгашлари аъзоларининг аксариятини нуронийлар ташкил этаётгани ҳам бежиз эмас.***

Мустақил давлатимизнинг гуллаб-яшнаши, қабул қилинган ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилишида, қолаверса, ёшлар тарбиясида ўзини масъул деб билувчи нуронийларимиз жуда кўп. Уларнинг сафида ёши салкам 75 ни қоралаб қолганига қарамай, элим деб, юртим деб, жон куйдириб фаолият олиб бораётган ҳамшаҳримиз Қобилжон ота Расулов ҳам бор. Улар 1944 йилда пойтахтимизнинг “Қоратош” маҳалласида туғилиб, вояга етди. Умумий ўрта таълимни тумандаги хитой тилига ихтисослашган 59-мактабда олди. 1962–1967 йилларда Тошкент Фармацевтика институтида ўқиб, олий маълумот олган Қобилжон ака Марказий дорихоналар бошқармасида қирқ йил меҳнат қилди. 2007 йилда нафақага чиққанидан сўнг уйда бекор ўтиришни ўзига эп билмади. Оила аъзолари билан истиқомат қилаётган Шайхонтоҳур туманидаги “Обиназир” маҳалласининг фаол оқсоқолларидан бири сифатида маҳалла-кўй корига яради. Маҳалла жамоатчилик маркази раиси, “Тўй-ҳашам ва маъракаларни ихчамлаштириш, ортиқча сарф-харажатларсиз ўтказиш” комиссиясининг фаол аъзоси бўлиб, қатор ибратли ишларни амалга ошириб келди. Одамларнинг оғирини енгил қилиш, дардмандларнинг дардига малҳам бўлиш, ногиронларни қўллаб-қувватлаш билан бирга ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшди. Бир неча бор маҳаллалараро ўтказилган кўрик-танловларда фаол қатнашди, ғолибликни қўлга киритиб; мақтов ёрлиқлари билан тақдирланди.

Бугунги кунда Шайхонтоҳур тумани “Обиназир” маҳалласида истиқомат қилаётган аҳоли Расуловларнинг оиласини энг ибратли оилалардан бири сифатида ҳурмат қилишади. Хонадон бекаси Машҳурахон ая ҳам доришунос. Лавҳамиз қаҳрамони билан тотув оила қуриб, уч нафар фарзандни вояга етказишди. Қизлари Марфуа ва Мовлудахонлар, ўғиллари Фозилжон ҳам ота-она касбини давом эттиришмоқда. Ҳозирда бири-биридан ширин етти набира ва иккита абиранинг севимли бува-бувижонисига айланишган.

Доно халқимизда “Қари билганни пари билмайди” деган нақл бежизга айтилмаган. Қобилжон ака катта ҳаётий тажрибага эга нуронийлар қаторида маҳалладаги тўй-маъракаларга бош-қош. Маслаҳат сўраган кишилардан ўз ёрдамини аямайди. 2018 йилнинг март ойидан эътиборан Қобилжон Расулов “Нуроний” жамғармаси Шайхонтоҳур туман бўлими раисининг ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Меҳнат инсонни улуғлайди, Қ.Расуловнинг қилган кўп йиллик фидойи меҳнати ўз самарасини топди. Яқинда Қобилжон Расулов Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таъсис этилган III даражали “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Шаҳримизнинг гуллаб-яшнаши, равнақ топишига ўзининг камтарона ҳиссасини қўшиб келаётган, ислоҳотларни амалга оширишда эл-юрт хизматига камарбаста бўлаётган отахонни куч-қувват, ғайрат-шижоат асло тарк этмаслигини тилаб қоламиз.

**Дилором ҲОТАМОВА,**
**“Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими матбуот котиби**





# ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР МУСОБАҚАСИ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида "Ёш чегарачилар" мусобақасининг республика финал босқичи бўлиб ўтмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари қўмондонининг ўринбосари Ф.Салиев мазкур тадбир ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши, бу йилги мусобақанинг барча босқичлари кўтаринки руҳда ўтаётганини таъкидлади.

Мусобақанинг финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 13 жамоа ғолиблик учун баҳслашмоқда.

– Бундай тадбирлар ўқувчи-ёшларни Ватан ҳимоячиси бўлишдек шарафли касбга қизиқтириш, юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлаш учун масъулиятини кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этади, – дейди Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари масъул офицери Неъмат Хидиров. – 2011-2018 йиллар мобайнида мазкур мусобақа 30 мингга яқин ўқувчини қамраб олди. Бундан кўриниб турибдики, йилдан-йилга мусобақага бўлган қизиқиш ортмоқда.

Низомга кўра ҳар бир жамоада 10 нафар иштирокчи бўлиб, улардан икки нафари қизлардан иборат. Ушбу босқичда жамоалар 14 шарт бўйича ўзаро куч синашмоқда.

Мусобақанинг биринчи кунида иштирокчилар ДХХ чегара қўшинлари хизматчиларининг жанговар фаолияти билан яқиндан танишди. Шу тариқа улар жанговар техника, қурол-аслаҳаларни бевосита кўриб, ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқишларини кузатиш имкониятига эга бўлди.

Жамоалар сафда юриш тайёргарлиги, ҳарбий варақалар, альбом ва вимпеллар кўриги, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тайёргарлик, чегарачи-жангчилар ҳақидаги "Унутилмас ёрқин юлдузлар" китоби билимдони, Биринчи Президентимиз асарлари билимдони, инглиз тили билимдони, турли ҳарбий-амалий кўникмалар, жисмоний тайёргарлик бўйича баҳслашди.

Иштирокчилар ҳарбий дала ўқув-машқ майдонида ҳарбийлаштирилган спорт мусобақаларида ўз маҳоратини синовдан ўтказади.

**Н.НАСРИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***Япониянинг Тохоку ҳудуди ўрмонзор, тоғли ва тепаликлар билан ўралган. Бу ерлик аҳоли асосан қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик билан шуғулланади. Ҳунармандчилик ҳам уларнинг азалий касби.***

**Кўргазма**

# ТОХОКУ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Икуо Хираяма халқаро маданият карвон саройида очилган кўргазма Тохоку ҳунармандчилиги намойишига бағишланди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари Фарҳод Тошмуҳаммедов, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нобуаки Ито ва бошқалар сўзга чиқиб, икки давлат ўртасидаги ўзаро дипломатик муносабатлар ўзбек ва япон халқларининг дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётганини қайд этди.

– Экспозицияни томоша қилар эканман, япон санъати ва ҳунармандчилигининг ўзига хос нафис ва гўзаллигини ҳис этдим, – деди тадбир иштирокчиси П.Менгноров. – Бамбук ва ёғочдан, металлдан яратилган асарлар, кулолчилик маҳсулотлари шу халқ ҳаёти, орзу- умидлари билан яқиндан танишишга ёрдам беради. Мен уларнинг ҳар бирини суратга муҳрладим.

Кўргазмага япон ҳунармандларининг 70 дан ортиқ иши тақдим этилган.

**(ЎзА)**

# МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

***Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида Халқаро рақс куни муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда олий мактаб профессор ўқитувчилари, ўқувчилар, халқаро танловлар лауреатлари иштирок этишди.***

Айтиш жоизки, рақс – бу инсоннинг ички кечинмаларини, унинг дардини, ҳис-туйғуларини сўзсиз хатти-ҳаракатда акс эттиришдир.

1982 йил ЮНЕСКОнинг қарори билан балет санъатига улкан ҳисса қўшган таниқли француз балетмейстери Жан Жори Новернинг таваллуд кунига бағишлаб 29 апрель – Халқаро рақс куни деб эълон қилинди. Бу байрамни ўтказишдан асосий мақсад санъатнинг бир тури бўлган рақснинг барча йўналишларини ҳамда тинчлик ва дўстлик йўлида халқларни бирлаштиришга қаратилган. Ҳаётини рақс санъатига бағишлаган инсонлар бу кунда ўз касб байрамини нишонлайдилар.

– Халқаро рақс байрами бутун дунёда нишонлангани каби бизда ҳам кенг тантана қилинади, – дейди олий мактаб бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Кўркмас Сагатов. – Мактабимизда иқтидорли ўқувчилар кўп, улар рақс ижроси бўйича доимо юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Яқинда Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро Orleo танловида ўқувчиларимиз фахрли ўринларни қўлга киритдилар.

Тадбирда Orleo кўрик-танловининг халқ рақси бўйича 1-ўрин соҳибаси Карина Ҳайитматова "Шўх қиз рақси", 2-ўрин соҳиби Диёрбек Ҳайдаров "Шум бола", классик йўналиш бўйича 2-ўрин соҳибаси Муқаддас Арслонбоева ва бошқалар ўз маҳоратларини яна бир бор намойиш этишди.

– Олий мактабнинг 4-махсус синфида таҳсил оламан, – дейди биз билан суҳбатда Д.Ҳайдаров. – Қозоғистонда бўлиб ўтган Orleo танловида устозим Эркин Қаҳҳоров саҳналаштирган "Шум бола" рақсини ижро этиб ғолиб бўлдим. Келгусида миллий рақсимизни ривожлантириб, юксак марраларни эгаллашни ният қилганман.

Тадбирда самарали меҳнат қилиб келаётган мураббийларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Умаржон ҲАЗРАТОВ**

# МУХЛИСЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

***Мамлакатимизнинг Россиядаги элчихонаси расмий сайтида жорий йил ёзда Россияда ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионатига боришни хоҳлаган мухлислар учун маслаҳатлар чоп этилди.***

Унга кўра, жаҳон чемпионатига бориш учун виза олиш шарт эмас. Бундай вазиятда жаҳон чемпионати учрашувларини кузатиш истагида бўлган ишқибозлар мухлис паспорти тақдим қилишлари ёки мундиал чипталари сотиб олингани тўғрисида электрон ҳужжатни кўрсатишлари лозим. Мамлакатимиз фуқаролари Россия Федерацияси ҳудудида ҳар 100 куннинг 90 кунида визасиз юришлари мумкин. Россияга визасиз ташриф буюрувчи мухлислар мухлис паспорти ёки жаҳон чемпионати учрашувига кириш учун чиқарилган чипта сотиб олингани тўғрисидаги электрон ҳужжат билан мамлакатга ўйин бошланишидан 10 кун олдин келишлари ва финал баҳси ўтказилганидан сўнг 10 кун давомида мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишлари мумкин бўлади. Россияга автомобилда келишни истаган хориж фуқароларининг фақатгина халқаро транспорт қатнови рухсат берилган чегара постлари орқали киришлари кўзда тутилган. Юртимиз фуқаролари мухлислар паспортини Россиянинг махсус стационар марказларидан ҳам олишлари мумкин. Чет эл фуқаросининг паспорти мухлис паспорти амал қилиш муддатидан (2018 йил 25 июлгача) кам бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки амал қилиш муддати олдинроқ тугайдиган паспорт эгаларига мухлис паспорти расмийлаштирилмайди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Universal Realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг буюртмасига асосан очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилади.

1. "Иззат" МЧЖ балансида оператив бошқарув ҳуқуқида давлат мулки бўлган Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Мумтоз кўчаси, 55(5а)-уй манзилида жойлашган 270 кв.метр бўлган меҳмонхона биноси. Бошланғич баҳоси 579 168 500 сўм.

2.Тошкент шаҳар, Сергели тумани Халқ таълими бўлими балансидаги Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 28-уй манзилида жойлашган 1569 кв.метр бўлган қурилиши тугалланмаган сув ҳавзаси биноси. Балансда сақловчи фаолият соҳаси: халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш.

Бошланғич баҳоси 4 309 449 887 сўм.

Аукцион савдоси ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан мулк олди-сотди шартномасини имзолаши шарт.

Очиқ аукцион савдоси 2018 йил 4 июнь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Талабгорлардан буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2018 йил 1 июнь куни соат 11:00 да тўхтатилади. Ушбу кўчмас мулклар ушбу кундаги савдоларда сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2018 йилнинг 19 июнь, 3, 17, 31 июль кунлари соат 11:00 да юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади. Такрорий савдолар бўйича талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2018 йилнинг 18 июнь, 2, 16, 30 июль кунлари соат 11:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар буюртманомани савдо ташкилотчисига бевосита ёки почта орқали, шахсан ёхуд унинг вакили орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этишлари лозим: юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; очиқ аукцион савдоси тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Очиқ аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Realtor" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Тошкент шаҳар филиалидаги МФО-00445, СТИР-302 269 399, 2020 8000 1049 7522 8001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумот олиш манзили: "Universal Realtor" МЧЖ, 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Тел: 150-35-55, факс 236-74-67. www.realtor.uz, email universal.realtor@mail.ru

***Лицензия RR-0127***

Беруний номли Тошкент давлат политехника институти томонидан 1994 йилда Шевченко Артем Анатольевич номига берилган № 012261 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан 2011 йилда Баймухамедова Нодира Ахборовна номига берилган В № 574317 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"ЁЗЁВОН СУВ ҚУРИЛИШ" МЧЖнинг (ИНН 301451823) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **3 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 12-14, кундузи – 26-28 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **3 майда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

**Шаҳримиз музейларида**

# ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

***Ўзбекистон Давлат табиат музейи 1876 йил 12 июлда табиатшунослик, антропология ва этнография билан қизиқувчилар ташаббуси билан ташкил этилган. Музейлар аждодларимиздан бизга мерос бўлган бойликни келажак авлодга етказиб берадиган илмий, маънавий-маърифий хазина бўлиб, у йиллар давомида бойиб боради.***

Аждодлардан мерос бўлган ёдгорликларни сақлаш ва намойиш қилиш борасида музейларнинг ўрни беқиёсдир. Ўзбекистон Давлат табиат музейининг 140 йилдан ортиқ фаолияти давомида жуда кўплаб кўргазмалар ташкил қилинган ва бу анъана муттасил давом этиб келмоқда. Жумладан жорий йилнинг 15 апрелидан 31 майга қадар "Бир экспонат кўргазмаси" деб номланган кўргазма бўлиб ўтади.

Кўргазмага Куба тимсоҳи қўйилган бўлиб, ушбу тимсоҳни Куба давлати раҳбари Фидель Кастро Шароф Рашидовга совға қилган ва тимсоҳни Шароф Рашидовнинг оила аъзолари Жиззах давлат тарихи ва маданияти музейига совға қилган.

Тимсоҳлар ҳозирги судралиб юрувчилар орасида энг йириги ва кучлиси ҳисобланади. Ер юзида яшаб келаётган энг қадимги ҳайвонлардир. Бундан 200 миллион йил илгари келиб чиққан. Улар асосан тропик минтақалардаги дарё ва кўлларда яшайди. Танасининг узунлиги 6 метрга етади. Тимсоҳнинг ҳаёти сув билан боғлиқ. Улар сувда яхши сузади ва шўнғийди. Орқа оёқларига тортилган юпқа парда ҳамда икки ён томондан яссиланган узун думи сузишлари учун яхши ёрдам беради. Танаси мугуз қалқон ва тангачалардан иборат совут билан қопланган.

Тимсоҳ ўсган сари танасини ўраб турган мугуз қалқон қалинлашиб, танаси оғирлашиб боради, кўзлари ва бурун тешиклари бошининг олдинги учида махсус дўнгалакча устида жойлашган. Тимсоҳ бутун танасини сувга кўмиб, сувдан фақат кўзлари ва бурнини чиқариб, қирғоқни кузатиб туради. Улар фақат қуёш тафтида исиниб, бир оз мизғиб олиш учун қирғоққа чиқади. Лекин офтобнинг тафтида уни офтоб урмаслиги учун оғзини катта очиб олади ва бунда оғзининг шиллиқ қаватидан буғланадиган сув танасини совутиб туради. Оғзини очганида устки жағини боши билан бирга кўтариб олади. Улар қирғоқда секин ва бесўнақай ҳаракатланади.

Куба тимсоҳлари ҳақиқий тимсоҳлар оиласига мансуб бўлиб, Кубанинг бир неча оролларидагина учрайди. Узунлиги 230 см. гача ва вазни 40 кг атрофида бўлади. Баъзан узунлиги 3.5 м, оғирлиги 200 кг гача келадиганларини ҳам учратиш мумкин. Бу тимсоҳлар бошқа турдаги тимсоҳларга қараганда анча тажовузкор бўлади. Улар чучук ва шўр сув ҳавзаларида бирдай яшаб кета оладилар. Бу тимсоҳларнинг ўзига хослиги бош қисми бошқа тур тимсоҳларга қараганда калтароқ ва кенгроқ, оёқлари узун, кучли ва танаси йирик тангачалар билан қопланган бўлади. Уларнинг танасида ўзига хос сариқ ва қора ёрқин рангли доғлар мавжуд бўлганлиги учун бу турдаги тимсоҳларни "Марварид тимсоҳ " деб ҳам аташади.

Кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад ташриф буюрувчиларнинг қалбида табиатга нисбатан меҳр уйғотиш ва дунёнинг ажойиб ҳайвонот олами намуналаридан бири Куба тимсоҳи ҳақида аниқ ва илмий жиҳатдан тўлиқ маълумот беришдан иборатдир.

**Дилфуза ТАШПУЛАТОВА,**
**Ўзбекистон Давлат табиат музейи илмий ходими**

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 535

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10463 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

12345